Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 14 ноябрь, № 221 (6151) Жума

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

2014 йил 13 ноябрда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини **Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини тасдиқлаш тўғрисидаги** масалани кўриб чиқишдан бошладилар.

Мажлисда қайд этилганидек, бозор ислоҳотлари, давом этаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгартиришлар шароитида 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари макроиқтисодий барқарорликни ҳамда мамлакат ЯИМ юқори суръатлар билан ўсишини таъминлашга, диверсификация қилинган ҳамда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришга, аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишга қаратилганлиги стратегик аҳамиятга эга. Ушбу мақсадларга эришиш учун 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари иқтисодий ҳамда солиқ-бюджет сиёсатини янада модернизациялаш, бозор ислоҳотлари ва ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлари, мақсадлари ҳамда вазифалари асосида ишлаб чиқилган.

Муҳокама асосида келаси йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли учун солиқ юкини янада камайтиришдан, солиқ солиш тизимини соддалаштиришдан, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини мустаҳкамлашдан ҳамда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришдан иборат бўлиб қолаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Солиқ юкини янада камайтириш бўйича энг муҳим чоралардан бири сифатида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг базавий ставкасини 8 фоиздан 7,5 фоизга туширишни назарда тутилмоқда, натижада юридик шахслар ихтиёрида қўшимча равишда 89,4 миллиард сўм қолади. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондига тушадиган солиқ юкини камайтириш мақсадида микрофирмалар ва кичик корхоналар, фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкасини 25 фоиздан 15 фоизгача пасайтириш таклиф қилинмоқда. Шунингдек, микрофирмалар ва кичик корхоналар бўлмиш қурилиш ташкилотлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 6 фоиздан 5 фоизгача пасайтириш таклиф қилинмоқда. Бундан ташқари, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ солишнинг тўрт босқичли шкаласи жорий этилмоқда. Бу шкала даромадларнинг биринчи гуруҳи (энг кам иш ҳақининг бир бараваригача) бўйича ноль ставкасини белгилашни назарда тутади. Мазкур чора ўртача иш ҳақидан кам ёки ўртача иш ҳақи даражасида даромад оладиган жисмоний шахсларга тушадиган солиқ юкини камайтиришга қаратилган.

Мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжатини муҳокама қилиш асосида сенаторлар томонидан ижтимоий соҳа харажатларини кўпайтириш тамойили сақланиб қолаётганлиги қайд этилди. Чунончи, Давлат бюджетининг ижтимоий харажатлари жорий йилдагига нисбатан келаси йилда 1,2 баравар кўпаяди. Хусусан, мамлакат олий ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари ўқув-лаборатория корпусларини, шунингдек, тиббиёт муассасаларини қуришни, реконструкция қилишни, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашни молиялаштиришга катта миқдорда маблағ йўналтирилади. Давлат бюджетидан 138 та соғлиқни сақлаш объектини қуриш ва батамом замонавий техника билан жиҳозлашга 495 миллиард сўм, 246 та умумтаълим мактабини, 42 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежини реконструкция қилишга, шунингдек, 246 та ўрта ва ўрта махсус таълим муассасасини мукаммал таъмирлашга 479 миллиард сўм ажратиш назарда тутилган. 72 та туман тиббиёт муассасаси қурилади. Умуман, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялашга қилинадиган давлат харажатларининг ўсиши 2014 йилдагига нисбатан қарийб 22 фоизни ташкил этади.

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФАРОВОНЛИК ДАРАЖАСИНИ МУНОСИБ БАҲОЛАМОҚДА

2014 йил 4 ноябрь куни нуфузли «Legatum» халқаро институти (Буюк Британия) ҳар йили янгиланиб борадиган Дунё мамлакатларининг фаровонлик индексини эълон қилди. Бу индекс дунёнинг 142 мамлакати, Ер юзи аҳолисининг 96 фоизини ва жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 99 фоизини қамраб олган. Бутун дунёда эътироф этилган усуллар асосида «Legatum» институти томонидан ишлаб чиқилган ушбу фаровонлик индекси аҳоли фаровонлиги учун шароит яратиш борасида 89 кўрсаткич бўйича дунё мамлакатларининг ютуқларини ифода этади.

ЭЪТИРОФ

Мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, аввало, халқимиз фаровонлигини изчил оширишга қаратилган алоҳида эътибор туфайли Ўзбекистон жаҳон фаровонлик рейтингида яна бир бор юқори поғонага кўтарилди. «Legatum» институти экспертлари томонидан ўтказилган баҳолаш натижаларига кўра, Ўзбекистон мазкур рейтингда 57-ўринни эгаллади ва бир йил ичида олти поғона юқорига кўтарилди (2013 йилда 63-ўрин эди).

Бунинг самарасида Ўзбекистон Республикасининг фаровонлик борасидаги бу йилги рейтинги Греция, Руминия, Украина, Мексика, Россия, Индонезия, Сербия, Озарбайжон, Грузия, Туркия ва бошқа кўплаб давлатлар рейтингидан ошиб кетди.

«Legatum» институти мамлакатнинг иқтисодиёт даражаси, тадбиркорлик фаолияти, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш тизими, фуқаролар хавфсизлиги даражаси ва ижтимоий капитал каби асосий кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда рейтингларни аниқлайди.

Ўзбекистоннинг умумий рейтинги 2010 йилга нисбатан 19 позицияга, «иқтисодиёт» кўрсаткичи бўйича эса 41 позицияга кўтарилди. Бу мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш даражаси, аҳолининг иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболларига ишончи, сўнгги 5 йилда иқтисодий тараққиётда ижобий ўзгаришлар рўй бераётгани, шунингдек, банк ва молия тизимининг ишончлилиги каби кўрсаткичлар юқори даражага кўтарилгани самарасидир.

Рейтинг тузувчилар ўз бизнесини ташкил этиш учун бошланғич маблағ даражасининг пастлиги, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун жозибадорлик, аҳолининг молия институтларига ишончи каби кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистонни дунёнинг етакчи давлатлари қаторига киритди.

Рейтинг тузувчилар фикрига кўра, мамлакатимиз умумлаштирилган «ижтимоий тараққиёт» кўрсаткичи бўйича дунёда 16-ўринни мустаҳкам эгаллаб турибди. Ўзбекистон ўрта таълим билан қамраб олиш, таълим сифати, соғлиқни сақлаш тизими, юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, узоқ умр кўриш даражаси, шунингдек, болалар ўлимининг пастлиги, камсонли миллатларга нисбатан бағрикенглик, оилаларнинг барқарорлиги каби йўналишлар бўйича юқори ижтимоий кўрсаткичларга эга.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

● Жиззах шаҳрида давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартибини такомиллаштириш, уларни сотиш механизмлари ва тартиблари самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган тадбир уюштирилди. Унда иштирокчилар соҳадаги сўнгги ўзгаришлар ҳамда янгиликлар билан таништирилди.

● **“Камолот” ЁИҲнинг бошланғич ташкилотлари етакчилари ва координаторлари учун Андижон шаҳрида ўқув-семинар ўтказилди. Унинг доирасида ташкил этилган “Энг намунали бошланғич ташкилот етакчиси” кўрик-танловида етакчиларнинг ташкилотчилик борасидаги истеъдод ва маҳоратига баҳо берилди.**

● Нурота тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли туғуруқхона мажмуига “Саломатлик — 3” лойиҳаси доирасида Японияда ишлаб чиқарилган 350 миллион сўмлик замонавий тиббий жиҳозлар ва ускуналар келтирилди. Шунингдек, ушбу мажмуа 515 миллион сўмлик бюджет маблағи ҳисобидан таъмирланди.

● **Урганч шаҳридаги Огаҳий номидаги вилоят драма театрида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Ниҳол” мукофоти танловининг Хоразм вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда воҳанинг 60 нафардан зиёд ёш иқтидор эгалари эстрада, мусиқа, мумтоз қўшиқ, рақс ва опера санъати ижрочилиги йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини синовдан ўтказди.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Ёшлар сайловга тайёргарлик кўрмоқда

Жорий йил давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайлов мутлақо янги, хусусан, ёш авлоднинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги юксалган шарт-шароитларда бўлиб ўтади.

САЙЛОВ — 2014

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолларининг фикрича, ёшлар сайловда ҳал қилувчи овозга эгадир. Шунинг учун ҳам улар жорий йилнинг 21 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловга пухта тайёргарлик кўриб келиши ҳамда онгли равишда ўз ҳуқуқидан фойдаланиши айни заруратдир.

Фарғона шаҳрида ўтказилган “Сайлов ва ёшлар” форуми айнан шу мақсадда ташкил этилди. Унда “Камолот”нинг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидан келган фаоллари қатнашди.

Форум иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи 99-Фарғона сайлов округида бўлиб, округ сайлов комиссияси фаолияти билан яқиндан танишдилар. Хусусан, комиссия раиси И. Тўхтаров Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловни ўтказиш тартиби ҳақида маълумот берди, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини атрофлича тушунтирди.

— Мамлакатимиз бўйлаб мазкур сиёсий тадбирга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда, — деди форумнинг Наманган вилоятилик иштирокчиси Сарварбек Қобилов. — Биз, ёшлар сайловда фаол қатнашмоқчимиз. Бунинг учун, албатта, сайлов қонунчилигини яхши билишимиз, сайловолди ташвиқотини диққат-эътибор билан кузатиб боришимиз керак. Шу маънода, ушбу форум ёшларни сайловда фаол иштирок этишга даъват қилиши билан алоҳида аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда).

Ишлаш учун қулай ва самарали

Бухоро шаҳридаги “Озода Озод” қўшма корхонасига Германиянинг “Neytag” компаниясида ишлаб чиқарилган турли дастгоҳлар ўрнатилди.

МОДЕРНИЗАЦИЯ

Улар ихчамлиги, ишлашга қулайлиги, юқори самарадорлиги билан корхона ишчиларига маъқул тушди. Синтетик калава ип ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган бу лойиҳа рўёби учун 916 миллион сўмлик сармоя сарфланди. Айни чоғда молия муассасаси 415 миллион сўмлик кредит билан уни қўллаб-қувватлади. Натижада қўшимча 15 та иш ўрни яратилди. Яна бир муҳим жиҳати, буюртмачиларнинг синтетик калава ипга бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида қондириш имконияти юзага келди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ВАТАНИМ ТАРАҚҚИЁТИГА МЕНИНГ ҲИССАМ»

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини юзага чиқариш, эзгу ташаббусларининг кенг қанот ёйишига кўмаклашиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Ана шундай беқиёс ғамхўрлик туфайли бугун йигит-қизларимиз турли соҳаларда ўзлигини намоён этиб, ҳеч кимдан кам эмасликларини исботламоқда. Президентимизнинг жорий йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам навқирон авлодга кўрсатилаётган юксак эътиборнинг яққол ифодасидир.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Бу ҳақда пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида иш бошлаган “Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам” шиори остидаги II Республика кўргазмасида ҳам алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Марказий банк, Фермерлар кенгаши, “Камолот” ЁИҲ, Давлат Солиқ қўмитаси ҳамда “Ҳунарманд” уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазмада ёш тадбиркорлар, фермер ва ҳунармандлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари қатнашди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришда ёшларнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Кейинги йилларда уларнинг саъй-ҳаракати билан жойларда кўплаб хўжалик субъектлари ташкил қилинаётгани, даромадли иш ўринлари яратилаётгани ана шундан далолат беради.

Навбатдаги кўргазманинг ҳудудий босқичлари жорий йилнинг май — июнь ойларида республикамизнинг барча ҳудудларида ташкил этилди. Уларда жами 780 нафар навқирон тадбиркор, фермер ва ҳунарманд ўз маҳсулотларини намойиш қилди. Кўргазманинг республика босқичи эса иштирокчилар ҳамда маҳсулот турларига янада бойлиги билан алоҳида ажралиб туради.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этишга, шу жумладан, қишлоқ жойларда янги ташкил этилаётган уй-жой массивларини сув билан таъминлаш объектлари қурилишига зарур маблағлар ажратилади.

Умуман, 2015 йилги Давлат бюджетида, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетларида ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларида аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оғишмай ошириб бориш назарда тутилмоқда. Бунга иш ҳақи, стипендиялар, ижтимоий нафақалар ва пенсиялар миқдорини инфляция суръатларидан юқори даражада ошириб бориш йўли билан, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг манзиллилигини кучайтириш, бюджетлараро муносабатлар тизимини янада ислоҳ қилган ҳолда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджетлар даромад базасини кенгайтиришдан ҳамда ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашдан манфаатдорлигини ошириш ёрдам беради.

Сенаторларнинг чиқишларида 2015 йилги Давлат бюджетининг, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ҳамда солиқ ва бюджет сиёсати асосий йўналишларининг параметрлари, умуман, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига, жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва аҳоли фаровонлигини изчил ошириб боришнинг стратегик дастурига мос эканлиги кўрсатиб ўтилди. Муҳокама якунлари бўйича сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини тасдиқладилар ва тегишли қарор қабул қилдилар.

Сенаторлар ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг бутун салоҳиятини ишга солиш, демографик омилларни ва меҳнат бозорининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ишга жойлаштиришнинг самарали шаклларини ривожлантириш йўли билан аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган **2015 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини** ҳам кўриб чиқиб, маъқулладилар.

Ушбу Дастур «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларини, аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг тамойиллари, устувор йўналишларини, тегишли мақсадли дастурлар ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилганлиги кўрсатиб ўтилди.

2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг прогноз параметрлари 2011 — 2015 йилларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига, инвестиция дастурлари ва бошқа мақсадли дастурларга мувофиқ тузилган. Улар иш ўринларини кўпайтиришга, бандлик даражасини ўстиришга ҳамда унинг ҳудудий тузилмасини такомиллаштиришга йўналтирилган. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси ва сервисни, қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилишини ҳамда қурилишда пудрат ишларини ривожлантириш дастурлари рўёбга чиқарилиши, кўп тармоқли фермер хўжаликлари янада ривожлантирилиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши модернизация қилиниши ва бошқалар билан боғлиқ ҳолда меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб ва уни таклиф қилишнинг мувозанатлилигини таъминлаш вазифалари белгиланган. Ташкил этилаётган иш ўринларининг сақланиб қолиши ва барқарор амал қилишини, банд бўлмаган аҳолини, касб-ҳунар коллежларини битирувчиларни, хотин-қизларни, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган бошқа тоифаларини ишга жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилган. Бунда кичик бизнеснинг иш ўринлари ташкил этишдаги ролини оширишга, айниқса, мумкин қадар қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредит ва моддий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш бўйича қабул қилинган норматив ҳужжатларга мувофиқ оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига оширишга катта эътибор берилган.

Дастурни рўёбга чиқариш доирасида 2015 йилда мамлакатимизда 987,5 мингта иш ўрни, шу жумладан, саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ишламаётган корхоналарни қайта тиклашнинг мақсадли дастурларига мувофиқ 261,6 мингта иш ўрни ташкил этиш, шунингдек, кичик корхоналар ва микрофирмаларда, якка тадбиркорлик ва касаначилик соҳасида, фермер ва деҳқон хўжаликларида 725,9 минг нафар одамнинг бандлигини таъминлаш назарда тутилмоқда. Мамлакатнинг олис туманларида иш ўринлари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади.

2015 йилда Дастур параметрларига мувофиқ ташкил этиладиган янги иш ўринларига, шунингдек, мавжуд бўш ва захира қилинадиган иш ўринларига касб-ҳунар коллежларининг 487,7 минг нафар битирувчисини ишга жойлаштириш мўлжалланган.

2015 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг тасдиқланган параметрлари сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида унинг республика туманлари ва шаҳарлари, иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналар кесимида рўёбга чиқарилишининг мунтазам ва тизимли мониторинги ташкил этилади.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Обод турмуш йили» Давлат дастурини ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган **«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини** кўриб чиқдилар. Мажлисда амалдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун ўрнига қабул қилинаётган янги Қонун жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, юридик шахсларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишининг қўшимча кафолатларини таъминлаб беришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди. Мурожаатларни замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва технологияларидан фойдаланган ҳолда киритиш имконияти ҳуқуқий мустаҳкамлаб қўйилганлиги ҳам Қонуннинг муҳим янгилиги бўлди.

Сенаторлар фикрича, Қонуннинг қабул қилиниши жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини оширишга, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини бутун чоралар билан таъминлашга, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг мурожаатлар ўз вақтида ҳамда ҳар томонлама кўриб чиқилиши учун жавобгарлигини кучайтиришга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар Олий Мажлис палаталари томонидан 2010 йил ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалари рўёбга чиқариш доирасида ишлаб чиқилган **«Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини** (янги таҳрири) кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Мажлисда кўрсатиб ўтилганидек, Қонуннинг асосий қоидалари хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг инвестиция жараёнидаги иштирокини янада кенгайтиришга, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга инвестицияларни амалга ошириш учун қўшимча рағбатлантириш чоралари ва шарт-шароитларини яратишга йўналтирилган.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда инвестиция муҳити янада яхшиланишига, инвесторлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлиги ошишига, инвестиция фаолиятида давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга, шунингдек, хусусий инвестицияларни рағбатлантиришга ёрдам беради.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн олтинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

■ ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Кеча Тошкентда Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, фуқаролар турмуш даражасини янада яхшилаш, аҳолининг кенг қатлами ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини муҳофаза этишга қаратилган кўплаб долзарб масалалар муҳокама қилинмоқда.

Мухбиримиз Сенат ялпи мажлиси кун тартибига киритилган масалаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида сенаторлар билан суҳбатлашди.

Изчил ислоҳотлар – обод турмуш кафолати

Х. АЛИМОВА, Жиззах вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази бош шифокори, сенатор:

— Сенат ялпи мажлисига киритилган масалалар мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг бугунги босқичида долзарб аҳамиятга эгадир. Шу маънода, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари сенаторлар томонидан атрофлича кўриб чиқилди. Қайд этиш жоиз, жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз ҳалиҳамон кузатилаётган бир шароитда юртимизда молиявий барқарорликни таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, экспорт ўсишининг мувозанатлаштирилган кўрсаткичларини сақлаб қолиш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини янада юксалтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар тизимли равишда, босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

2015 йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар, мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб шакллантирилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

И. КАРАТАЕВ, Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги “Қоратой Мирзаев” фермер хўжалиги раҳбари, сенатор:

— Солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари муҳокамасида 2015 йилда солиқ сиёсати ўтган йиллардаги сингари хўжалик юритувчи субъектларга ва аҳолига солиқ юкини янада камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини мустаҳкамлаш ва солиқ маъмурчилиги чораларини кучайтиришга қаратилганига эътибор берилди. Чунончи, унда хўжалик юритувчи субъектлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва меҳнатни рағбатлантириш мақсадида фойда солиғининг базавий ставкасини пасайтириш таклиф қилинмоқда. Бу хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида қўшимча 89,4 млрд. сўм қолдириш имконини туғдиради.

Бундан ташқари, ёшларнинг, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида микрофирмалар ҳамда кичик корхоналар мазкур таълим муассасаларини битириб чиққанларни ишга қабул қилган тақдирда, уларда ишлайдиган ходимларнинг энг кўп сонини 50 фоизгача ошириш, шунингдек, касб-ҳунар коллежларини битириб чиққанларни таълим олиш тугаган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод қилиш назарда тутилмоқда.

Д. ЭСОНБАЕВА, Наманган вилояти Учқўрғон педагогика коллежи директори, сенатор:

— Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини таъминлашда янги иш ўринлари яратиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқаролар меҳнат ҳуқуқлари мустаҳкам кафолатланган. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда ҳар йили иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурлари қабул қилиб келинмоқда. Ялпи мажлис кун тартибидаги 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури сенаторлар томонидан муфассал кўриб чиқилди.

Мазкур Дастурда 2015 йилда иш ўринлари ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш чоралари белгиланган. Хусусан, кейинги йилда 487,7 минг нафар касб-ҳунар коллежлари битирувчиси бандлигини таъминлаш кўзда тутилган. Бундан ташқари, янги иш ўринларини саноат, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида, янги объектларни ишга туширш ва мавжудларини кенгайтириш дастурларини амалга ошириш ҳисобига, шу билан бирга, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш, якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, касаначиликни ташкил этиш, фермер хўжаликларини янада ривожлантириш ҳамда ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига яратиш мўлжалланаяпти. Умуман айтганда, мазкур ҳужжатда белгиланган чора-тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши аҳоли даромадларини оширш, уларнинг ҳаёт даражасини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Х. ИБРАИМОВ, Навоий давлат педагогика институти ректори, сенатор:

— Сенат ялпи мажлисида мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга уйғун қатор масалалар кўриб чиқилди. “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун сенаторлар ўртасида қизғин муҳокамага сабаб бўлди. Зеро, мустақилликнинг илк йилларидан фуқаролар мурожаати институти аҳоли ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг самарали механизмларидан бирига айланиб, ўзига хос кўприк вазифасини бажариб келмоқда. Айнан ушбу механизм фуқароларнинг давлат бошқаруви ишларидаги фаол иштирокига муҳим замин яратмоқда. Умуман, фуқароларнинг давлат органлари ва муассасаларига мурожаат қилишига доир конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун барча имконият мавжуд. Эндиликда давлат билан муносабатларнинг бундай самарали механизмлари юридик шахсларга ҳам татбиқ қилинади.

С. БАРАТОВА, Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги кўп тармоқли марказий поликлиника мудири, сенатор:

— Сир эмас, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик янгилаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини оширишда инвестиция фаолиятининг аҳамияти жуда катта. Қонунчиликда инвестиция фаолиятини ривожлантириш учун жуда кўплаб имтиёз, преференциялар, шунингдек, ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатлар белгиланган. Сенаторлар томонидан маъқулланган янги таҳрирдаги “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонун бу борада янги имкониятлар яратиши билан диққатга сазовор. Ушбу ҳужжат инвестиция соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш, мазкур фаолиятнинг ҳуқуқий кафолатларини янада мустаҳкамлаш, шу билан бирга, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестициялар жалб қилинишини рағбатлантиришга йўналтирилгани билан алоҳида аҳамиятга моликдир.

Қобил ХИДИРОВ суҳбатлашди.

ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФАРОВОНЛИК ДАРАЖАСИНИ МУНОСИБ БАҲОЛАМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон аҳоли ҳуқуқларининг кафолатлангани, ҳукуматга, мамлакат мудофаа қобилиятига ишонч, болаларнинг таълим олиш имкониятлари, тўйиб овқатланиш, санитария шароитлари, шахсга ва аҳоли мулкига нисбатан жиноятчиликнинг пастлиги ва бошқа қатор муҳим кўрсаткичлар бўйича етакчи ўн мамлакат қаторидан жой олган.

Нуфузли халқаро институт томонидан берилган ушбу холисона баҳо ҳақли равишда истиқлолнинг дастлабки кунларидан Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга ошириб келинаётган изчил ислоҳотлар самараларини, аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт даражасини мутассил ошириш, мамлакатимизни изчил ривожлантириш учун барқарор иқтисодий шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини акс эттиради.

Рейтингни тузишда БМТ, Жаҳон банки, Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, бошқа халқаро ташкилотлар ва таҳлил институтларининг объектив маълумотлари, шунингдек, «Legatum» институти томонидан ўтказиб келинаётган ижтимоий тадқиқотлар асосий манба бўлиб хизмат қилгани эътиборга олинадиган бўлса, Ўзбекистоннинг фаровонлик индекси бутун халқаро ҳамжамият томонидан муносиб баҳоланганини ишонч билан қайд этишимиз мумкин.

(ЎзА).

Ёшлар сайловга тайёргарлик кўрмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Йигит-қизлар, шунингдек, 710-сонли сайлов участкасида ҳам бўлишди. Бу ерда улар комиссия фаолияти, яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар, сайловга тайёргарлик жараёни ҳақида батафсил ахборот олишди.

— Сайловда мамлакатимизнинг янада ривожланишига, аҳоли фаровонлигини оширишга ҳисса қўшадиган муносиб номзодларга овоз берамиз, — деди форумнинг Андижон вилояти вакили Дилхумор Янгбоева. — Форум боис сайлов жараёни ҳақида жуда кўп нарсани ўргандик. Олган билимларимизни, албатта, тенгдошларимиз билан баҳам кўрамиз.

— Ҳуқуқшунос-олимлар, сайлов кампанияси ташкилотчилари бизга сайлов қонунчилигидаги ўзгаришлар хусусида атрофлича сўзлаб беришди, — деди Фарғона политехника институти талабаси Аброр Отабоев. — Муҳокамалар чоғида бошқа вилоятлардан келган тенгдошларимиз билан фикр-мулоҳаза алмашдик. Умуман айтганда, форум мазмунли ва қизиқарли ўтди. Бундай тадбирлар ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Форум иштирокчилари ёшларни бўлажак сайловларда фаол қатнашишга ҳамда шу орқали мамлакат равнақига ҳисса қўшишга даъват этиб, тегишли мурожаат қабул қилдилар.

Тадбир таниқли санъаткорлар иштирокидаги гала-концерт билан якунланди.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ВАТАНИМ ТАРАҚҚИЁТИГА МЕНИНГ ҲИССАМ»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Фарғона компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежини тамомлаганман, — дейди “Style of Young Lady” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Одинахон Рўзиалиева. — Мамлакатимизда ёшлар тадбиркорлигига катта эътибор берилаётгани мени ҳам руҳлантириб юборди. Шу боис “Қишлоқ қурилиш банк” АТБнинг вилоятимиздаги минтақавий филиалидан кредит олиб, бизнесимни йўлга қўйдим. Ҳозир корхонамизда 20 хилдан ортиқ трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқараяпмиз. Буни қарангки, қисқа муддатда маҳсулотларимизни хорижлик харидорларга сотишга ҳам улгурдик. Шу кунларда эса венгриялик ҳамкорлар билан шартнома тузишни кўзда тутаяпмиз. Албатта, корхонамизнинг бундай муваффақиятлари ёш ишчи-ходимларнинг янгиликка интилиши билан чамбарчас боғлиқ.

Шунингдек, тадбирда банк-молия муассасалари, консалтинг марказлари, жамоат ташкилотлари ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалари ва хизмат турларини таклиф этаётгани ҳам эътиборга моликдир.

— “Соғлом бола йили” Давлат дастури ҳамда коллеж битирувчилари тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган тегишли чора-тадбирларнинг ижросини таъминлаш мақсадида “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки томонидан жами 40 млрд. сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган эди, — дейди мазкур молия муассасаси бўлим бошлиғи Улуғмурод Холбеков. — Ўтган давр ичида унинг 32,4 млрд. сўми ишбилармон ёшларга берилди.

— Тадбиркорликни бошлашимизда “Микрокредитбанк”нинг Жарқўрғон филиалидан 68 миллион сўмлик кредит олганимиз қўл келди, — дейди “Жарқўрғон зиё” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Севара Аҳмедова. — Айни пайтда корхонамизда ўн нафар ёш мутахассис меҳнат қилаётган бўлса, улар томонидан тўқилаётган пайпоқлар сифатлилиги боис буюртмачиларимиз сафи тобора кенгаймоқда. Харидорлар таклифи асосида йил охиригача кийим-кечак ишлаб чиқаришни ҳам режалаштириб турибмиз. Бунинг учун шароит ҳам, имконият ҳам етарли.

Кўргазмада намойиш этилаётган енгил саноатнинг қатор тармоқлари маҳсулотлари, амалий санъат намуналари ҳамда инновацион лойиҳалар, рационализаторлик ишланмалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотаяпти. Бундан ташқари, тадбирда ёш фермерлар томонидан етиштирилган сархил мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари, турли дуккакли экинлар намойиш қилиндики, бу ҳам бугунги ёшларимизнинг том маънода ўз ишининг устасига айланаётганини кўрсатади.

Кўргазма давомида ёш тадбиркор ҳамда энди фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган интилувчан йигит-қизларга малакали мутахассислар томонидан мамлакатимизда соҳа ривожи учун жорий қилинаётган енгиллик ва имтиёзлар, уларни кенг қўллаб-қувватлашга қаратилган турли лойиҳалар ҳамда тавсияларни ўз ичига олган ўқув-семинарлари, маҳорат дарслари ташкил этилмоқда.

Дилмурод СОДИҚОВ.

Шомурот ШАРАПОВ ва Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

Тошкент ислом университетида “Конфессияларо мулоқот ва диний бағрикенглик — жамият барқарорлиги гарови” мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

14 НОЯБРЬ — ХАЛҚАРО ҚАНДЛИ ДИАБЕТГА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

ТИББИЙ МАДАНИЯТ ВА САЛОМАТЛИК

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, айни пайтда дунёда 380 миллион нафардан ортиқ одам қандли диабет хасталигидан азият чекмоқда. Улар орасидан ҳар йили беш миллионга яқин бемор оламдан кўз юмаётир, ўн миллионлаб беморлар ногирон бўлиб қолаётир. Таассуфланарлиси, бу касалликка чалинганлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда ва тобора "яшармоқда".

Мутахассислар қандли диабетни юрак-қон томир, онкологик касалликлар сингари юқумли бўлмаган, аммо шиддат билан тарқалиб бораётган хасталик сифатида баҳолайдилар. Сайёрамизда 14 ноябрь — Халқаро қандли диабетга қарши кураш куни сифатида белгиланган ҳам бежиз эмас.

Шу ўринда келтириш жоизки, қандли диабет, асосан, моддалар алмашинувининг издан чиқиши билан кечадиган хасталик ҳисобланиб, бунда қон таркибидаги қанд (глюкоза) миқдори сурункали равишда ортади.

Маълумки, инсон истеъмол қиладиган озиқ-овқатлар, асосан, оқсил, ёғ ва углеводлардан иборат. Оқсил тана учун қурилиш материали ҳисобланса, ёғ ва углеводлар қувват манбаидир. Углеводлар (глюкоза) организмда қайта ишланиб, қувватга айланиши учун инсулин гормони керак. Инсулин эса юқори даражадаги фаол кимёвий моддадир ва у ошқозон ости безида ишлаб чиқарилади. Турли сабабларга кўра, танада инсулин етишмовчилиги юзага келганда, қандли диабет касаллиги ривожланади. Ўрганишлар шундай хулоса берадики, тана вазнининг ортиши, кам ҳаракатлилик, ирсий мойиллик, 45 ёшдан кейин организмда юз берадиган патологик ўзгаришлар, турли стресс ҳолатлари ушбу касалликни келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан саналади. Унинг биринчи тури, асосан, болалик ва ўсмирлик ёшида пайдо бўлади. Касалликнинг бу турига чалинган беморларнинг қони таркибида инсулин бўлмайди ва шу боисдан ҳам улар танасига мунтазам инсулин юбориб турилади. Қандли диабетнинг иккинчи турида ошқозон ости бези инсулин моддасини ишлаб чиқариш қобилиятини сақлаб қолади, лекин тана тўқималарининг инсулинга нисбатан сезгирлиги кескин пасайиши оқибатида ишлаб чиқарилаётган ва қон таркибидаги инсулин етарлича ўзлаштирилмайди. Оқибатда инсулин қон таркибида тўпланиб қолади.

Қандли диабет туфайли майда томирлар шикастланади, микротромблар ҳосил бўлиши учун шароит юзага келади. Тананинг тегишли қисмида қон айланиши бузилади ва диабетга оид микроангиопатия пайдо бўлади. Хавфли жиҳати, микроангиопатия туфайли бемор кўр бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Мазкур хасталик билан узлуксиз оғриган беморларда атеросклероз тез ривожланади, бош мия, буйрак, оёқ ва қўлнинг асосий қон томирлари шикастланади. Ўз навбатида, юракнинг ишемик касаллиги (стенокардия, миокард инфаркти), мияда қон айланишининг бузилиши каби оғир асоратларни келтириб чиқаради. Шунингдек, кўл-оёқлар терисида қийин битадиган яралар ҳосил бўлади ва гангренага айланиши ҳам мумкин.

> Таъкидлаш лозимки, жамиятга моддий ва маънавий зарар келтириши мумкин бўлган бу касалликка қарши кураш мамлакатимизда тиббий-ижтимоий соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишига айланган. Олимлар ва шифокорларимиз уни даволашнинг замонавий усулларини ўзлаштириш ва амалда фойдаланиш юзасидан изланишлар олиб бормоқда. Беморларга жаҳон андозалари асосида тез ва самарали тиббий ёрдам кўрсатиш, инсон ҳаёти ва саломатлигини асраш, ногиронликнинг олдини олиш саъй-ҳаракатлари тобора изчиллик касб этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрда қабул қилинган "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бунда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар қандли диабетни аниқлашда зарур бўладиган лаборатория-таҳлил воситалари билан тўлиқ таъминланган. Ҳудудий тиббиёт муассасалари ва эндокринология диспансерларида чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказиш ва даволаш учун барча имкониятлар мавжуд. Қандли диабетнинг биринчи тури билан хасталанганларга Давлат бюджети ҳисобидан инсулин етказиб бериш йўлга қўйилган.

Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ушбу йўналишдаги етакчи шифо маскани бўлиб, унинг маслаҳат-ташхис поликлиникаси икки юз қатновга мўлжалланган. 246 ўринли клиникада эса эндокринологик касалликларга аниқ ташхис қўйиш ва замонавий технологиялар воситасида даволаш ишлари амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда марказда бир қатор янги йўналишлар — нейроэндокринология, нейрожарроҳлик, нефропатия, гемодиализ бўлимлари очилди. Соҳага илғор илм-фан ютуқлари жорий қилинаётгани натижасида гипофиз бези, қалқонсимон без хасталиклари, қандли диабет асоратлари туфайли келиб чиқадиган буйрак етишмовчиликлари ва бошқа оғир хасталиклар самарали даволанаётир. Бу эса ногиронликнинг олдини олишга, беморлар саломатлигини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Марказ мутахассислари, айниқса, қандли диабет билан оғриган беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш баробарида улар ўртасида ногиронликнинг олдини олиш, меҳнат қобилияти ва ижтимоий фаоллигини сақлаб қолиш учун тушунтириш ишларига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Ўзбекистон Эндокринологлар уюшмаси, Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳар йили анъанавий ташкил этилаётган диабетга қарши кураш ойлигида мазкур профилактик чора-тадбирлар янада кенг қамров касб этаяпти.

Жорий йилда ҳам 1 ноябрдан 1 декабрга қадар мамлакатимизда ўтказиладиган диабетга қарши кураш ойлигида турли спорт мусобақалари, марафонлар, эндокринология ва диабетологиянинг долзарб масалаларига оид илмий-амалий анжуманлар, маданий-маърифий тадбирлар уюштириш, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги эндокринологик диспансерларида очиқ эшиклар кунини ташкил этиб, беморларнинг бепул текширувдан ўтишини таъминлаш режалаштирилган.

Қисқача айтганда, жисмоний фаоллик, тўғри ва рационал овқатланиш, энг муҳими, соғлом турмуш қоидаларига риоя этиш қандли диабет билан касалланишнинг олдини олиш имконини беради. Агар бу касалликка нисбатан ирсий мойиллик бўлса, инсондан ўз саломатлигини асрашга янада эътибор ҳамда ҳушёрлик талаб қилинади. Зеро, соғлом турмуш — саломатлик гарови.

С. ИСМОИЛОВ,
Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Буюк Британиянинг "Standard Chartered Plc." банки 2015 йилда 100 та бўлимини ёпишини маълум қилди.

Харажатларни тежаш учун танланган йўл

Молия муассасаси шу йўл орқали 400 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағни тежаб қолиш ниятида. "Bloomberg" агентлигининг ёзишича, жорий йилнинг учинчи чорагида "Standard Chartered Plc."нинг даромади 16 фоиз пасайган.

Ҳозир мазкур банкнинг дунё бўйича 1248 та бўлими фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг асосий қисми Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида жойлашган.

Чорак яхши якунланмади

Испаниянинг "Telefonica SA" алоқа оператори учун жорий йилнинг учинчи чораги муваффақиятсиз якунланди.

Хусусан, ушбу даврда унинг маҳаллий бозордаги даромади 7,4 фоиз тушиб кетган. Бу компания 13 миллиард евро миқдоридаги маблағни бой берди, деганидир. Қолаверса, июль-сентябрь ойларида "Telefonica SA"нинг ташқи бозордаги, хусусан, Лотин Америкаси мамлакатларидаги бизнеси ҳам юришмади.

Номзодлар эълон қилинди

ФИФА йилнинг энг чиройли голи муаллифига топшириладиган Ференц Пушкаш совринига номзодлар рўйхатини эълон қилди.

Ундан Тим Кэйхилл (Австралия), Диего Коста (Испания), Марко Жонфай Фабиан де ла Мора (Мексика), Златан Ибрагимович (Швеция), Пайтим Кассами (Швейцария), Стефани Роше (Ирландия), Хамес Родригес (Колумбия), Камило да Силва Санвеззо (Бразилия), Хисато Сато (Япония) ва Робин ван Перси (Голландия) жой олди.

Қоидага кўра, чиройли голни аниқлаш учун овоз бериш жараёни 1 декабрга қадар давом этади. Шундан сўнг улар орасидан уч нафар асосий номзод танлаб олинади. Ғолиб номи 2015 йилнинг 12 январида маълум бўлади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

«АСАКА» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

қуйидаги лойиҳаларни амалга оширишга ишбилармон ва сармоядорларни таклиф этади.

Объект номи	Жойлашган ҳудуди	Ер майдони	Объект тўғрисида маълумот
«Урганч парранда инвест» МЧЖ	Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, Урганч тумани, Чоткўпир қишлоғи	50,2 гектар	Фаолият тури: парранда гўшти ишлаб чиқариш. Корхонада 11 та парранда боқиш цехи ишга туширилган. Туркия ва Россия давлатларида ишлаб чиқарилган парранда боқиш, шунингдек, ем тайёрлаш ускуналари ва музлатгичлар ўрнатилган.
Тайёр тикув маҳсулотлари ишлаб чиқариш мулкий мажмуаси	Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл шаҳри	11 гектар	Фаолият тури: тайёр тикув маҳсулотлари ишлаб чиқариш. Германия, Жанубий Корея, Туркия ва Тайван давлатларида ишлаб чиқарилган трикотаж мато тўқиш, бўяш, тикув ускуналари ва дастгоҳлари ўрнатилган.

Қизиқиш билдирган ишбилармон ва сармоядорларга ўзаро қулай шарт-шароитлар яратилади.

Қўшимча маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Тошкент шаҳри, Муқимий 1-тор кўчаси, 9-уй. Маълумот учун телефонлар: (+998 71) 120-39-68, 120-39-75.

1808R/32

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббиёт санитария бирлашмасига қарашли «Қибрай» клиник санаторийси

қуйидаги бўш иш ўринларига мутахассисларни таклиф қилади:

- **кардиолог шифокор** — 1,0 ставка;
- **невропатолог шифокор** — 1,0 ставка;
- **функционал диагностика кабинети шифокори** — 1,0 ставка.

Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони. Телефонлар: (0-371) 286-02-00, 286-00-68.

1810R/898

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

KAPITALBANK

АТБ «Капиталбанк» балансидаги «Kapsantex» унитар корхонасида банк томонидан киритилган инвестиция ҳисобидан модернизация ишлари якунига етказилиб, ташкил этилган ишлаб чиқаришларни сотиб олиш бўйича инвесторларни музокаралар учун таклиф қилади.

Корхона бўйича маълумот.

Манзил	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Фарҳод кўчаси, 1-уй
Умумий майдони	48,04 гектар
Ишлаб чиқариш майдони	7,7 гектар
Мавжуд инфраструктура	Сув, электр энергия, газ, темир йўл веткаси
Ташкил этилган ишлаб чиқариш турлари ва лойиҳа қуввати	1. Сантехкерамика маҳсулотлари — йилига 25 минг дона. 2. Гипперпрессланган ғишт — йилига 4 млн. дона. 3. Ун ишлаб чиқариш — кунига 150 тонна. 4. Кўчма механизациялашган колонна — 50 дона махсус автомобиль техникаси. 5. Мис симлари ишлаб чиқариш — йилига 5 минг тонна.
Ташкил этилган ишлаб чиқаришларда ўрнатилган технологик жиҳозлар	Сантехкерамика маҳсулотлари ишлаб чиқариш: «Foshan Longhao Kiln Saving Equipment Co. Ltd.» (Хитой) «Gerlach Anlagenbau GmbH», «Frey», «Tyuringia», «Tyuring Netch» (Германия) «Оргидромаш», «Читинский станкостроительный завод», «Уралгидропром» (Россия) Гипперпрессланган ғишт ишлаб чиқариш: «Дипресс» (Украина). Ун ишлаб чиқариш: «Ugur Makine Sanayi Gida Insaat Taahhut Endustriyel Yapilar TRZ Tarim Dis Tig.LTD STI» (Туркия). Мис симлари ишлаб чиқариш: «Shanghai Lishang International Trading Co. Limited» (Хитой).
Қўшимча маълумот	Корхона ҳудудида турли хил маҳсулотлар сақлаш учун омборлар мавжуд.

Мурожат учун манзил ва алоқа воситалари:
АТБ «Капиталбанк», Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 7-уй.
Телефон: (+998 71) 200-15-15 (қўшимча 159, 160). Факс: (+998 71) 232-26-07.

1809R/909

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

сизларни 2014 йил 16, 18, 23 ва 25 декабрь кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташкил этиладиган савдоларга таклиф этади.

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки балансидаги (собиқ «Митан Шароб» МЧЖ балансидаги) Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Мингчинор қўрғони, Чордара маҳалласида жойлашган, бошланғич баҳоси 447 693 000 сўм бўлган, ишлаб чиқарилган йили номаълум:

— узумни қайта ишлаш асбоб-ускунаси № 1;
— узумни қайта ишлаш асбоб-ускунаси № 2;
— қуйиш линияси;
— иситиш ускунаси (котел Е1/10-0,9);
— иситиш ускунаси (котел Е1/10-0,9М2);
— трансформатор подстанцияси ускунаси тўплами (трансформатор ТМ-63/10 кВм);
— 72 дона турли ҳажмдаги алюминий ва сирланган цистерналар мужассам ҳолда қўйилади.

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш шартлари.

Савдо ғолиби мулк сотилиш баҳосининг 20 фоизи миқдоридаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида 5 (беш) банк иш кунидан кечиктирмасдан, қолган қисмини олди-сотди шартномасига асосан 7 (етти) йилдан кўп бўлмаган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан 7 (етти) йилдан кўп бўлмаган муддатга сотилган тақдирда, сотиб олиш тўловларини бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоизлар ҳисобламасдан бўлиб-бўлиб тўлашни, шунингдек, сотиб олиш тўловлари тўлиқ тўлангунга қадар объектни тасарруф этиш ҳуқуқисиз ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз амалга оширилади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров шартномасини расмийлаштиришдаги тўловлар, савдо ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар, савдо ташкилотчисининг савдони ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳамда юзага келадиган бошқа барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Савдоларда иштирок этиш истагидаги талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, савдода иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, савдода ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;
- икки нусхада ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари:
- сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдога қўйилаётган мулк бошланғич баҳосининг 2 (икки) фоизи миқдоридаги закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 7049 2931 8001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабгорлардан юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни ҳамда буюртманомаларни қабул қилиш мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдолар бошланишидан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган мулклар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Савдоларга тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

Сотувчи (банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй. Телефонлар: (0-371) 234-11-22, 234-15-60. Тел./факс: (0-371) 234-43-31.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона. Телефон: (0-371) 233-02-49. Тел./факс: (0-371) 233-23-40. Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Гувоҳнома № 005357.

1807R/40

VEGA ERP
Корхонани бошқаришни автоматлаштириш

VEGA
ERP система

Корхонани бошқаришнинг самарали воситаси

Омбордаги захираларни бошқариш
Ишлаб чиқаришни бошқариш
Маблағларни режалаштириш
Ходимлар менежменти
Корхонанинг ҳисоботи

www.vega.uz

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган © 2014 "VEGA"

Тел.: (+998 71) 268-59-64, 268-59-65.
Факс: (+998 71) 267-71-90.
e-mail: info@vega.uz
web: www.vega.uz

1505R/751

"O'zbekiston" теле-радиоканали жамоаси Овоз режиссёрлари ва мусиқа танловчилар гуруҳининг овоз режиссёри Дилмурод Абдуллаевга падари бузруквори **УБАЙДУЛЛА отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси МДҲ ва Яқин Шарқ мамлакатлари иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги кафедраси катта ўқитувчиси Нилуфар Имомовага падари бузруквори **АСОМИДДИН отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Италия шимолидаги Лигури, Пьемонта, Тоскана, Кьявари шаҳарларида тинимсиз ёққан ёмғир сув тошқинларини келтириб чиқарди. Мамлакатда кучли ёғингарчилик давом этмоқда.

Ўзбекистон банк тизими:

АМАЛДА ЎЗИНИ ТЎЛА ОҚЛАГАН ТАЖРИБА

туфайли иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини қайта тиклашда молия муассасаларининг роли ва салоҳияти яққол намоён бўлмоқда

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва модернизация қилиш, айниқса, реал сектор корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада уларнинг рақобатбардошлиги ошиб, ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилаяпти. Табиийки, бунда иқтисодий ночор корхоналар тижорат банклари балансига ўтказилиб, уларни соғломлаштириш, фаолиятини қайта тиклаш бўйича кўрилаётган изчил чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этаяпти.

Бу ҳақда гап кетганда, беихтиёр Президентимизнинг қуйидаги сўзлари ёдга тушади: “Тижорат банкларини зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб қилиш тажрибаси амалда ўзини тўла оқлади. Ҳали ҳам эски техника ва технологиялар асосида ишлаётган, ҳеч қандай иқтисодий истиқболи бўлмаган корхоналарни тугатиш ва уларнинг негизида янги замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш даркор”.

Дарҳақиқат, иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, саноат корхоналарининг барқарор фаолият юритишига эришиш, хусусан, иқтисодий ночор субъектлар фаолиятини жонлантиришда молия-банк тизимининг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда. Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти.

Ушбу ҳужжатга асосан, тижорат банклари томонидан паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш, шунингдек, улар негизида замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш юзасидан тизимли ишлар олиб борилаяпти.

Ўтган давр ичида тижорат банклари балансига жами 173 та иқтисодий ночор корхона қабул қилиниб, умумий қиймати

577,9 млрд. *сўмлик*

инвестициялар киритилгани бунинг яққол далилидир.

Эътиборлиси, банклар томонидан йўналтирилган сармоялар, энг аввало, модернизациялаш тадбирларига сарфланиб, корхоналар Германия, Япония, АҚШ, Хитой, Италия, Швейцария каби хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган замонавий технологик ускуналар билан қайта жиҳозланди. Натижада бўшаб ётган цехларда яна иш қизғин бошланиб, ишчи-ходимлар ўзларининг қадрдон масканларига қайтишди. Уларнинг ғайрат-шижоати билан ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли ва арзон маҳсулотлар эса ички бозорни тўлдириш билан бирга, экспорт қилинаётгани ҳам диққатга сазовордир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу корхоналар банклар балансига қабул қилинган чоғда, уларнинг деярли барчаси зарар билан ишлаётган, бино ва иншоотлари капитал таъмирлашга муҳтож бўлиб, асбоб-ускуналари бутунлай ишдан чиққан эди. Оқибатда тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати паст, таннархи эса нисбатан қиммат бўлиб, рақобатга дош бермай қолганди. Бундай субъектлар негизида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилиб, бошқариш ва иш юритишда янги усуллар қўлланилиши туфайли қисқа вақт ичида мавжуд муаммолар ўз ечимини топа бошлади.

Чиндан ҳам, янги корхоналар активларини бошқариш мақсадида банклар томонидан “НБУ Инвест Групп”, “НБУ Инвестмент”, “Асака Инвестмент”, “Агро Инвест Рекавери”, “ПСБ Индастриал Инвестмент”, “Ипотека инвест менежмент” инвестициявий компаниялари ҳамда жойларда уларнинг алоҳида таркибий бўлинмалари ташкил этилгани, иш юритиш жараёнларига тажрибали бошқарувчи-менежерлар, муҳандис ва юқори малакали мутахассислар, шунингдек, хорижий ҳамкор ва инвесторлар жалб қилингани кутилган самарани берди. Пировардида уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти тўлиқ тикланиб, бугунги кунга қадар 135 таси янги инвесторларга сотилди.

Банклар кўмагида иқтисодий ночорликдан барқарорликка юз тутган ушбу корхоналарда кўплаб турдаги истеъмол ва саноат моллари ишлаб чиқарилаётгани нафақат ички бозорни тўлдирмоқда, балки экспорт ҳажмини ҳам оширмоқда. Уларда жами 2,9 трлн. сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрланганги, шундан 800 млн. АҚШ долларилик қисми экспорт қилингани бунга яққол мисол бўла олади.

Иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштиришга қаратилган бундай чора-тадбирлар иқтисодиётни ортиқча юкдан халос қилиш, бюджет ва иш ҳақи бўйича қарздорликларни узиш, банкрот корхоналар негизида 100 дан ортиқ янги турдаги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга имкон яратди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки етакчилигидаги тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган ишлар, айниқса, эътиборга молик. Зеро, кечагина иқтисодий ночор, эндиликда ривожланишнинг ойдин йўлидан шаҳдам одимлаётган, истиқболи янада порлоқ корхоналар раҳбарларининг яратилган қулайликлар ҳақидаги ижобий фикр-мулоҳазалари молия-банк тизимига берилган юксак баҳодир.

Қуйида банклар кўмагида замонавий корхоналарни сотиб олган айрим инвесторларнинг дил сўзлари билан танишасиз.

Бинобарин, бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, яқиндан кўмак бераётган ҳамкорларимиз — республика Марказий банки ва Миллий банкдан кўнглимиз тўқ. Ҳамкорлигимизда ишонч устувор экан, шубҳа йўқки, бундан буён ҳам фаолиятимиз равнақ топаверади.

Нираж НАРНОЛИЯ,
«Веригров ипаги» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.

Қулай инвестициявий муҳит самараси

Сўнгги йилларда молия-банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, амалиётга жорий қилинаётган янгиликлар, тадбиркорлар учун яратилаётган шароитлар — буларнинг барчаси мамлакатимизда қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити юзага келганлигидан далолат бермоқда. Чунки бугунги кунда бизнес фаолиятини бошлаш учун яхши ғоя ва иштиёқ бўлса бас, молиявий масалаларда банкларимиз ёрдамини аямайди. Бунга ўз фаолиятимда кўп бор гувоҳ бўлдим.

КЕЧА ВА БУГУН

Самарқанд шаҳрида жойлашган “Нафис” корхонаси бундан бир неча йил аввал банкротлик ҳолатига тушиб қолган, ишлаб чиқариш цехларидаги ускуналар эса маънан ва жисмонан эскириб, тайёрланаётган маҳсулотлар рақобатга дош бера олмаётган эди.

Ушбу корхона “Алоқабанк” балансига ўтказилгач, ўзининг иккинчи ҳаётини бошлади, десак, муболаға бўлмайди. Негаки, унинг негизида “Асл нафис” корхонаси ташкил этилиб, банк томонидан катта миқдорда инвестиция киритилди. Шунинг ҳисобидан Франция ва Хитой Халқ Республикасидан замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Натижада импорт ўрнини босувчи чинни буюмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Бизга ушбу корхонада яратилган шарт-шароитлар маъқул тушгач, уни сотиб олдик. Ускуна ва жиҳозларнинг янгилиги нечоғлиқ барқарор ҳамда ишончли ривожланиши, қолаверса, ҳимоя механизмлари қанчалик кучли бўлишига боғлиқ. Шу мақсадда Ўзбекистонда ўз вақтида қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурига асосан, Марказий банк ва тижорат банклари томонидан иқтисодиёт реал сектори корхоналарига алоҳида эътибор қаратила бошлангани кутилган натижани берди.

Гап шундаки, инқироз шароитида банкротликка учраган бир қатор корхоналар банклар балансига ўтказилиб, уларга инвестициялар киритилди. Пировардида ишлаб чиқариш тубдан модернизация қилингач, замонавий хўжалик юритувчи субъектлар қаторидан жой олди. Бу Президентимизнинг “Инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди”, деган сўзларининг амалий тасдиғидир.

Қашқадарё вилоятидаги “Оқсарой текстиль” корхонаси ҳам банкротлик ёқасига келиб қолган эди. Шундай мураккаб бир пайтда Миллий банк томонидан киритилган инвестициялар ҳисобига у қайта оёққа туриб, 600 нафардан ортиқ ишчи-ходимларни ўз бағрига олди. Уларнинг меҳнати билан ўтган давр ичида 163,8 млрд. сўмлик калава ип ва табиий мато ишлаб чиқарилиб, шундан 74,9 млн. АҚШ долларилик қисми хорижлик буюртмачиларга етказиб берилди.

Биз, инвесторлар доимо янгиликка интиламиз, фаолият кўламини янада кенгайтириш орқали иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиш пайидан бўламиз. Шу эзгу мақсад йўлида “Оқсарой текстиль” корхонасини сотиб олишга қарор қилдик. Аммо аукцион савдосида унинг баҳоси юқорилиги, уни харид қилганимиздан сўнг аввал белгиланган қийматнинг қолдиқ қисмига фоизлар ҳисобланиши каби сабаблар бизни бир оз иккилантириб қўйди.

2014 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 71–сонли қарори қабул қилиниши бу борада янги имкониятлар эшигини очиб берди. Унда назарда тутилган имтиёзлардан фойдаланиб, қисқа муддат ичида Миллий банк тасарруфидаги “Оқсарой текстиль” корхонасига эга бўлдик.

Қувонарли жиҳати, банк томонидан корхонанинг сотилган қийматига нисбатан ҳеч қандай фоизлар ҳисобланмаяпти, қолаверса, 3 йилга даромад солиғи, ягона солиқ, мол-мулк солиғи ва ер солиғидан озод этилдик. Ушбу имтиёзлар корхонамизнинг юқори қувват билан фаолият кўрсатиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархининг арзонлашишига хизмат қилмоқда.

Биз, тадбиркорларга шундай қулай шарт-шароит яратиб берилгани, намунали хизмат кўрсатилаётгани учун банк тизимидан миннатдормиз. Ҳамкорлигимиз келгусида ҳам янада мустаҳкамланиб бораверади.

Хабибулло ГУЛЯМОВ,
«Мадина Мавлон» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.

Ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланади

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг дунё давлатларига таъсири, ундан кўриладиган зарарнинг даражаси ва кўлами, биринчи навбатда, муайян мамлакатнинг иқтисодиёти ва банк тизимининг

Реклама ўрнида

Юксак ишонч — бизнес равнақининг асоси

Ўзбекистонда тадбиркорлик ҳаракати ривожига қаратилаётган алоҳида эътибор, айниқса, чет эллик инвесторлар ҳамда экспорт қилувчи корхоналарга яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар бизнес фаолиятимизни юртингиз билан боғлашда муҳим омил бўлди. Чунки ҳар бир инвестор маблағ киритишдан олдин ўша давлатнинг банк тизими, иқтисодий салоҳияти, тадбиркорларнинг қонуний ҳимоясини таъминлаш борасидаги аҳвол билан қизиқади. Мамлакатингизда эса бизнес юритиш учун бу каби барча шарт-шароит муҳайё қилинган экан. Айниқса, банк тизими ўта ишончли бўлиб, барқарор фаолият юритмоқда. Ўзбекистон кредитлаш соҳасида жаҳон рейтингида 189 та давлат орасида 104-ўринни эгаллаб тургани биз каби хорижий сармоядорларнинг мамлакатингизга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаяпти.

Маълумки, ушбу рейтинг кўрсаткичларини аниқлашда, аввалгидек, иштирокчи давлатларда яратилган қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити, кредитлаш сиёсати борасида кўрилган зарурий чоралар натижаси ҳар томонлама ўрганилиб, кўплаб мезонлар асосида унга баҳо берилади.

Ўзбекистонга келганимизда, бизни ҳайратга солган яна бир жиҳат бизнесни “ноль”дан бошлаш шарт эмаслиги бўлди. Тижорат банкларининг балансида замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиган, янги технологиялар билан жиҳозланган тайёр ишлаб чиқариш корхоналари бор экан. Уларни ўрганиб чиқиб, Миллий банк балансидаги, яъни Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган “Водий ипаги” корхонасини сотиб олишга

КЕЧА ВА БУГУН

қарор қилдик. Бу жараёнда бизга нафақат банк раҳбарияти ва мамлакатингиз Ҳукумати, балки бевосита Президент Ислом Каримов томонидан алоҳида ёрдам кўрсатилгани самарали фаолият юртишимиз учун мустаҳкам замин яратди.

Гап шундаки, 2012 йил 2 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Водий ипаги” корхонаси негизида махсус ипакчилик комплексини ташкил этишга доир қарори қабул қилинди. Унга асосан, бизга бир қатор солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилди, хом ашё базасини шакллантириш учун ер ажратилди. Бу каби кўшимча имтиёз ва преференциялардан жуда ҳам мамнунмиз.

Бугунги кунда 300 дан ортиқ йигит-қизлар меҳнат қилаётган корхонамиз юқори қувват билан ишламоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 2,3 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, тўлиқ экспорт қилинди. Республика Марказий банки томонидан тадбиркорлар учун яратилган имтиёзлар туфайли экспорт амалиётларини ўз вақтида бажариб, валюта тушумини оширишга эришаяпмиз.

Ипакни чуқур қайта ишлаб, ундан тайёр маҳсулотлар маъқул тушгач, уни сотиб олдик. Ускуна ва жиҳозларнинг янгилиги намизнинг нуфузи хорижда ҳам юқори. Маҳсулотларимизга бўлган талаб эса кун сайин ошмоқда. Шу боис Ҳиндистон ва Хитой Халқ Республикасида “Савдо уйлари”ни очдик.

Келгусидаги режаларимизга тўхталсак, фаолиятимизни янада кенгайтириб, ишчилар сонини 700 нафарга етказиш ниятидамиз. унинг юқори қувват билан ишлашида муҳим омил бўлди. Натижада 100 кишилик жамоамиз томонидан ўтган давр ичида 8,8 млрд. сўмлик чинни буюмлар ишлаб чиқарилиб, банк олдидаги қарзимизни тўлиқ қоплашга эришдик.

Марказий банк ва “Алоқабанк”нинг ёрдамини ҳар

Бугунги кунда тижорат банклари балансида 38 та корхона қолган бўлиб, улар ҳам янги инвесторларга имтиёзли равишда сотиш учун аукцион савдоларига қўйилган.

Кўриниб турибдики, кейинги йилларда юртимиз молия-банк тизимида жадал ўсиш ва барқарорлик суръатлари кузатилмоқда. Натижада аҳоли ва инвесторларнинг банкка бўлган ишончи янада ортиб, инвестициявий жозибадорлик таъминланаяпти. Зеро, бу истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасидир. Шундай экан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, иқтисодиёт реал сектори корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш Марказий банк бошчилигидаги тижорат банкларининг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолаверади.

Марказий банк материаллари асосида
«Халқ сўзи» мухбири Саид РАҲМОНОВ тайёрлади.

Маданият хабарлари

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг ижодий ишлари кўргазмаси очилди.

Куз илҳомлари

Соғлом бола йилига бағишлаб ташкил этилган ушбу кўргазмадан тасвирий санъат оламига ўзига хос жўшқинлик билан кириб келган йигирмадан зиёд истеъдодли ёшларнинг она-Ватан манзаралари, табиат мўъжизалари акс эттирилган мойбўёқ, акварель ҳамда графика йўналишидаги асарлари ўрин олган. Айниқса, бахтли болаликни таранним этувчи ва куз манзараларини ифодаловчи расмлар томошабинларга ғоятда манзур бўлмоқда.

Моҳира АДИЗОВА.

Япония манзаралари

Ўзбекистон Бадиий академияси Икуо Хираяма Халқаро маданият карвонсаройида фоторассом Ольга Лобанованинг “Япония” деб номланган ижодий ишлари кўргазмаси очилди.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб жаҳоннинг кўплаб давлатлари, хусусан, Кунчиқар юрт билан ижтимоий соҳанинг турли йўналишларида ҳамкорлик қилиб келинмоқда. О. Лобанованинг ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилиши ҳам ана шу ҳамкорликнинг амалдаги натижасидир.

Кумушбиби ЭРМАМАТОВА.

Асранг она табиатни!

Пойтахтимиздаги “Баркамол авлод” Республика болалар ўлкашунослик ва экология марказида “Болалар ва сув!” фестивалининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва маънавий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда экологик маданиятни шакллантириш, табиат бойликларига нисбатан масъулият ҳиссини оширишга қаратилган танловнинг якуний босқичида 80 нафар ўқувчи қатнашди.

Унга кўра, иштирокчилар сув билан боғлиқ расмларни, саҳна кўринишларини намойиш этдилар.

Фестивалнинг мамлакат босқичида биринчи ўрин Бухоро вилояти жамоасига, иккинчи ўрин Сирдарё ва Наманган вилояти жамоаларига, учинчи ўрин эса Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона ҳамда Хоразм вилоятлари вакилларига насиб этди.

Абдували ҚУРБОНОВ.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 73 952 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5